

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Ped.28.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ИНСТИТУТИ

НЕЪМАТОВ БОБИРБЕК ИЛҲОМЖОНОВИЧ

**БОЛАЛАР-ЎСМИРЛАР СПОРТ МАКТАБЛАРИ
ШУҒУЛЛАНУВЧИЛАРИНИ ҒОВЛАР ОША ЮГУРИШ
ТЕХНИКАСИГА ЎРГАТИШ МЕТОДИКАСИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**13.00.04 – Жисмоний тарбия ва спорт машғулоти
назарияси ва методикаси**

Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси

АВТОРЕФЕРАТИ

Чирчиқ – 2018

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по пе-
дагогическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on pedagogi-
cal sciences**

Неъматов Бобирбек Илҳомжонович

Болалар-ўсмирлар спорт мактаблари шуғулланувчиларини ғовлар оша
югуриш техникасига ўргатиш методикасини такомиллаштириш3

Неъматов Бобирбек Илҳомжонович

Совершенствование методики обучения технике барьерного бега
занимающихся детско-юношеских спортивных школ27

Nematov Bobirbek Ilkhomjonovich

Improving of the teaching technique methods of the hurdles
children's and youth sports schools51

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works.....55

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Ped.28.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ИНСТИТУТИ

НЕЪМАТОВ БОБИРБЕК ИЛҲОМЖОНОВИЧ

**БОЛАЛАР-ЎСМИРЛАР СПОРТ МАКТАБЛАРИ
ШУҒУЛЛАНУВЧИЛАРИНИ ҒОВЛАР ОША ЮГУРИШ
ТЕХНИКАСИГА ЎРГАТИШ МЕТОДИКАСИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**13.00.04 - Жисмоний тарбия ва спорт машғулотлари
назарияси ва методикаси**

Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси

АВТОРЕФЕРАТИ

Чирчиқ – 2018

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В 2017.1. PhD/Ped.454 рақам билан рўйхатга олинган

Докторлик диссертацияси Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) веб-саҳифанинг www.uz-djti.uz ва “Ziyonet” Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган

Илмий раҳбар:

Тажиббаев Сойиб Самижонович

педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори, доцент

Расмий оппонентлар:

Усмонходжаев Талъат Саидович

педагогика фанлари доктори, профессор

Солиев Ҳамидулло Ҳошимжонович

педагогика фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот:

Наманган давлат университети

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институти ҳузуридаги DSc.27.06.2017.ped.28.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2018 йил «___» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтди. (Манзил: 111709, Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳри, Спортчилар кўчаси, 19- уй. Тел.: (0-370)-717-17 79, 717-27-27, факс:(0-370) 717-17-76, Веб-сайт: www.uz-djti.uz, e-mail: uzdjti@uzdjti.uz. Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институти Маъмурий биноси, 2 қават, анжуманлар зали).

Диссертация билан Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 111709, Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳри, Спортчилар кўчаси, 19- уй. Тел.: (0-370)-717-17-79, 717-27-27, факс.: (0-370) 717-17-76, Веб-сайт: www.uz-djti.uz, e-mail: uzdjti@uzdjti.uz. Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институти Маъмурий биноси, 2 қават, анжуманлар зали).

Диссертация автореферати 2018 йил «___» _____ куни тарқатилди.
(2018 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси)

Р.Д.Халмухамедов

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, п.ф.д., профессор

Л.П.Югай

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий котиби в.в.б., ф-м.ф.д., профессор

Т.С.Усмонходжаев

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, п.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бугунги кунда жисмоний тарбия ва спортни оммавийлаштириш жаҳон ҳамжамиятини ижтимоий сиёсатнинг муҳим йўналишларидан бири этиб белгиланган. Инсоннинг жисмонан соғлом, ақлан етук, кучли, иродали, матонатли бўлиб тарбияланишида спорт турларининг ўрни бекиёсдир. Шу ўринда энгил атлетика спорт турлари дунё миқёсида кенг оммавийлашиб, ривожланган спорт турларидан бири ҳисобланади. Айниқса, инсонлар энгил атлетика турлари билан доимий равишда шуғулланиб, унинг техникасини юқори даражада эгаллаш орқали алоҳида эътиборга сазовор бўлмоқда. Таъкидлаш жоизки, жаҳонда энгил атлетика спортининг ғовлар оша югуриш турини ривожлантиришда иқтидорли болаларни жалб этиш, уларнинг спорт маҳоратини ошириш, ўқув-машғулотларни илмий асосда ташкил қилиш муҳим аҳамият касб этади.

Дунёда энгил атлетика назарияси ва услубиятида ёш спортчиларнинг психологик, умумий ва махсус жисмоний, техник-тактик, интеллектуал ва функционал тайёргарлигида қўлланиладиган восита ва усулларни ўқув-машғулотлар жараёнига татбиқ этиш ҳамда машғулот юкламаларини режалаштириш юзасидан кўплаб илмий изланишлар ўтказилган. Ҳозирги вақтда энгил атлетиканинг ғовлар оша югуриш турида натижаларнинг жадал ўсиши мазкур соҳада замон талабларига жавоб берадиган ўқув-машғулотларни ташкил этиш тизимини такомиллаштиришни тақозо этмоқда.

Республикамизда ёш авлоднинг ижодий ва интеллектуал салоҳиятини ошириш ва рўёбга чиқариш, болалар ва ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш, уларни жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб этиш муҳим аҳамият касб этмоқда¹. Бугунги кунда спортчиларимиз турли мусобақаларда юқори натижаларни қўлга киритиб, Ўзбекистонни дунёга танитмоқда. Оммавий спорт, айниқса, болалар спортини илмий асосда ривожлантириш, унинг ташкилий асосларини яратишга алоҳида эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ. Жумладан, юртимизда ёш энгил атлетикачиларнинг машғулотларида ғовлар оша югуриш техникаси элементларини ўргатишнинг энг самарали услубларидан фойдаланиш спорт амалиётининг долзарб масалаларидан биридир.

Ўзбекистон Республикасининг 2015 йил 4 сентябрда “Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида”ги ЎРҚ-394-сон Қонуни қабул қилинди, Ўзбекистон Республикаси Президенти ташаббуси ва қўллаб-қувватлаши билан Ўзбекистонда 2017-2021 йиллар учун жисмоний тарбия ва оммавий спортни ривожлантириш дастури тасдиқланди. Шунингдек, 2017 йил 9 мартдаги “Ўзбекистон спортчиларини 2020 йилда Токио шаҳрида (Япония) ўтказиладиган XXXII Олимпия ўйинлари ва Паралимпия ўйинларига тайёрлаш тўғрисида”ги ПФ-2821-сонли Фармон, 2018 йил 5 мартдаги “Жисмоний тарбия ва спорт соҳасида давлат бошқаруви тизимини тубдан

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2017-2021 йилларда Ўзбекистонни ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” ги ПФ-4947-сонли Фармони //Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами. –Т., 2017. –Б 39.

такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5368-сонли Фармон ҳамда мазкур соҳага тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот Республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг: I. “Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ҳозирги кунда болалар ва ўсмирлар спорти соҳасида таълим тизимини такомиллаштириш муаммоси кўплаб мутахассисларни ўзига жалб қилмоқда. Бу, ўз навбатида, катта спорт учун ўринбосарлар тайёрлашда объектив тарзда ижобий ҳолат билан изоҳланади.

В.В.Балахничев, И.А.Еременко, А.А. Еременко, И.С.Ильин, В.Г.Никитушкин, В.И.Лях, А.А.Нормуродов, К.Т. Шакиржанова ва бошқалар фикрича, ғовлар оша югуришни барча ёшдаги болалар учун тавсия этиш мумкин бўлиб, фақат минимал баландликдаги ғовлардан фойдаланиш ва улар орасидаги масофани лозим. А.В.Коробова енгил атлетиканинг ғовлар оша югуриш тури билан шуғулланувчиларда ҳаракат қобилиятларини шакллантиришда боланинг ёши ва физиологик хусусиятларини ҳисобга олишга доир илмий изланишлар олиб борган².

Илмий-услубий адабиётлар таҳлили жараёнида шу маълум бўлдики, ғовларни ошиб ўтишдаги ҳаракат шакллари ўзлаштириб бориш билан бирга ғовлар оша югуриш техникаси элементларини ўрганиш методикаси етарлича ўрганилмаган.

Э.Р.Андрис, Р.Қ.Қудратов ва бошқа бир қатор етакчи мутахассисларнинг таъкидлашича, болалар-ўсмирлар спорт мактабида шуғулланувчиларнинг ўқув-машғулотлар жараёнини жадаллаштириш натижасида психологик ва жисмоний юкламаларнинг ортиши 10-12 ёшли енгил атлетикачиларда толиқиш пайдо бўлишига олиб келмоқда. Бу эса болаларнинг ҳаракат фаоллиги сусайиши оқибатида турли касалликларнинг пайдо бўлишига олиб келиши Е.Д.Гагуа, В.П.Губа, Д.Д.Сафарова, А.А.Исаев ва бошқалар томонидан эътироф этилган³.

² Балахничев В.В. Бег на 110 м с барьерами. Москва. ФиС, - 1987. – 80 с.; Еременко И.А., Еременко А.А. Структура планирования годичной подготовки бегунов на 100, 110, 400 м с барьерами //Актуальные вопросы подготовки спортсменов в циклических видах спорта: Сб. науч. тр.- Волгоград, 1995. - С. 124-126.; Ильин И.С., Черкашин В.П. Легкая атлетика. Барьерный бег: Примерная программа спортивной подготовки для детско-юношеских спортивных школ, специализированных детско-юношеских школ олимпийского резерва. – М.: Советский спорт, 2004. – 152 с.; Лях В.И. Тесты в физическом воспитании школьников. – Москва. АСТ, 2008. - 272 с.; Нормуродов А.А. Енгил атлетика. – Тошкент. Ўқитувчи, 2002. – 158 б.; Никитушкин В.Г. Теория и методика юношеского спорта. – Москва, Физическая культура, 2010. – 203 с.; Шакиржанова К.Т. Барьерлар оша югуришга ўргатиш техникаси ва усулияти. – Тошкент. Шарқ, 2011. - 44 б.

³ Андрис Э.Р., Қудратов Р.Қ. Енгил атлетика. – Тошкент. ЎзДЖТИ, 1998. - 126 б., Антропова М.В., Манке Г.Г. Гигиенические предпосылки нормализации нагрузки учащихся, закладываемые в базисный учебный план //VII Научно-практическая конференция по проблемам физического воспитания учащихся "Человек, здоровье, физическая культура и спорт в изменяющемся мире": Материалы конференции. - Коломна, 1997. 5-6 с.; Гагуа Е.Д. Тренировка спринтера. – Москва. ФиС, 2001. - 75 с.; Губа В.П., Квашук П.В., Никитушкин В.Г. Индивидуализация подготовки юных спортсменов. -Москва: ФиС, 2009. - 76 с.; Сафарова Д.Д., Исаев А.А. Валеологиядан практикum. – Тошкент. ЎзДЖТИ, 2010. 29-31 б.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, мазкур ишнинг долзарблиги 10-12 ёшли енгил атлетикачилар томонидан ғовлар оша югуриш техникаси элементларининг ўзлаштирилишига эришиш билан бирга уларни келгусида енгил атлетиканинг мазкур турига тайёрлашдан иборат. Олиб борилган изланишлар натижасида болалар-ўсмирлар спорт мактабининг бошланғич тайёргарлик гуруҳларида ғовлар оша югуриш машқларидан фойдаланишнинг илмий асосланган услубияти ҳозирга қадар тўлиқ ишлаб чиқилмаганлиги аниқланди.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация иши Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институтининг 2016-2019 йилларга мўлжалланган илмий-тадқиқот ишлари режасининг “Ўсмирлар спорти ва олий малакали спортчиларни тайёрлашнинг руҳий-педагогик ва физиологик-гигиеник асослари” мавзусидаги илмий-тадқиқотлар доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади 10-12 ёшли енгил атлетикачиларни ғовлар оша югуриш техникаси элементларига ўргатиш методикасини такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

илмий-услубий адабиётлар манбаларидан олинган маълумотлар бўйича бошланғич тайёргарлик босқичида шуғулланувчиларга ғовлар оша югуриш техникаси элементларини ўргатиш муаммоларини аниқлаш;

ёш енгил атлетикачиларни ғовлар оша югуриш техникаси элементларини ўргатишда ностандарт енгил йиғма ғов яратиш;

10-12 ёшли бошланғич тайёргарлик гуруҳи шуғулланувчиларига ғовлар оша югуриш техникаси элементларини ўргатишда махсус жисмоний сифатларини ривожлантирувчи ва ёрдамчи машқлар мажмуаларини ишлаб чиқиш;

10-12 ёшли енгил атлетикачиларни ғовлар оша югуриш техникасига ўргатиш воситаларининг шуғулланувчиларнинг вазиятга ҳос хавотирланишига таъсирини аниқлаш;

ёш енгил атлетикачиларга ғовлар оша югуриш техникаси элементларини ўргатишни такомиллаштириш методикаси самарадорлигини педагогик тажрибада асослаш.

Тадқиқотнинг объекти бошланғич тайёргарлик гуруҳининг 10-12 ёшли енгил атлетикачилари ўқув-машғулотлар жараёни.

Тадқиқотнинг предмети 10-12 ёшли енгил атлетикачиларнинг машғулот жараёнида ғовлар оша югуриш техникаси элементларига ўргатиш.

Тадқиқотнинг усуллари: илмий-услубий адабиётлар таҳлили, педагогик кузатув, анкета сўровномаси, педагогик тестлаш, антропометрия, плантография, психологик тестлаш, инструментал услуб, эксперт баҳолаш услуби, педагогик тажриба ва математик статистика услублари.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги.

бошланғич тайёргарлик босқичида шуғулланувчи 10-12 ёшли болаларни ғовлар оша югуриш техникаси элементларига ўргатишда ностандарт

йиғма ғов яратилган;

Ўсмир енгил атлетикачиларни ғовлар оша югуриш техникаси элементларига ўргатишда уларнинг жисмоний ривожланиши ва жисмоний тайёргарлигини инобатга олган ҳолда ғовлар баландлиги ва ғовлар орасидаги оптимал ўлчамалари аниқланган;

10-12 ёшли болаларни ғовлар оша югуриш техникаси элементларига ўргатишда яратилган ностандарт йиғма ғовдан фойдаланиш шуғулланувчиларнинг жисмоний ҳолати, фаоллиги ва кайфиятига ижобий таъсири педагогик тажрибада исботланган;

болалар-ўсмирлар спорт мактабларида бошланғич тайёргарлик босқичида шуғулланувчи ўсмир ёшдаги болаларнинг ғовлар оша югуриш техникаси элементларига ўргатиш методикаси такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

енгил атлетикачиларнинг ўқув-машғулотларида ғовлар оша югуриш техникаси элементларини ўргатиш методикаси шуғулланувчиларнинг ёши, жинси, психологик ҳолати, жисмоний ривожланиши ва тайёргарлигини инобатга олган ҳолда такомиллаштирилган;

бошланғич тайёргарлик гуруҳида шуғулланувчиларни ғовлар оша югуриш техникаси элементларига ўргатишни такомиллаштириш методикаси самарадорлиги педагогик тажрибада исботланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги билиш назарияси методологияси (билишнинг диалектик методи) ҳамда жисмоний тарбия ва спорт машғулотлари назарияси ва методикаси соҳасидаги республикамиз ва чет эл олимлари, шунингдек, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган амалиётчи мураббийларнинг фикр-мулоҳазаларига асосланганлиги; тадқиқот вазифаларига мос келувчи ўзаро бир-бирини тўлдириб боровчи тадқиқот методларининг қўлланилганлиги, таҳлил ва тадқиқот вазифасининг сон ва сифат жиҳатдан таъминланганлиги, тажриба-синов ишларининг репрезентативлиги ҳамда олинган натижаларнинг математик статистик таҳлил методлари ёрдамида қайта ишлаб чиқилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Ишлаб чиқилган енгил йиғма ғовларнинг енгил атлетика ўқув-машғулотларига жорий қилиниши 10-12 ёшли шуғулланувчиларда ғовга “ҳужум қилиш”, ғовдан “ошиб ўтиш”, ғовдан ошиб ўтиб “ерга қўниш” ҳаракат фазаларининг яхшиланишига, ғовлар оша югуриш техникаси элементларининг оқилона ўзлаштирилишига ҳамда спортчиларнинг ғовлардан ошиб ўтишда вазиятга хос хавотирланиш кўрсаткичларининг яхшиланишига самарали таъсири исботланди.

Болалар-ўсмирлар спорт мактабининг бошланғич тайёргарлик босқичида шуғулланувчи 10-12 ёшли енгил атлетикачиларнинг ғовлар оша югуриш техникаси элементларига ўргатиш методикаси шуғулланувчиларнинг ёши, жинси, психологик ҳолатига, жисмоний ривожланиши ва тайёргарлигини инобатга олган ҳолда такомиллаштирилди.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.

Болалар-ўсмирлар спорт мактаби шуғулланувчиларини ғовлар оша югуриш техникаси элементларига ўргатиш бўйича ишлаб чиқилган назарий ва методологик ҳамда амалий таклифлар асосида:

Наманган шаҳридаги ихтисослаштирилган болалар-ўсмирлар олимпия ўринбосарлари спорт мактаби ўқув-машғулоти жараёнига жорий қилинган (Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитасининг 01-07-0889-сон маълумотномаси). Натижада ғовлар оша югуриш техника элементларига ўргатишда шуғулланувчиларнинг жисмоний ривожланиши ва жисмоний тайёргарлигини инобатга олган ҳолда ғовлар баландлиги (50-60 см) ва махсус машқларни бажаришда ғовлар орасидаги масофанинг (6,0–7,5 метр) оптимал ўлчамларини аниқлашга эришилган;

яратилган энгил, йиғма ғовлар ихтисослаштирилган болалар-ўсмирлар олимпия ўринбосарлари спорт мактаби энгил атлетика ўқув-машғулоти жараёнига жорий қилинган (Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитасининг 01-07-0889-сон маълумотномаси). Натижада 10-12 ёшли энгил атлетикачиларда ғовга “хужум қилиш” 26,6%га, ғовдан “ошиб ўтиш” 38,2%га, “ерга қўниш” 29%га яхшиланиб, ғовлар оша югуриш техникаси элементлари оқилона ўзлаштирилишига хизмат қилган;

10-12 ёшли болалар учун уларнинг ёши, жинси ва жисмоний тайёргарлигини ҳисобга олган ҳолда яратилган энгил йиғма ғовлари Наманган шаҳридаги “Паҳлавон” болалар-ўсмирлар спорт мактабида энгил атлетика ўқув-машғулоти жараёнига жорий қилинган (Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитасининг 01-07-0889-сон маълумотномаси). Натижада ёш энгил атлетикачиларнинг ғовлар оша югуриш техникаси элементларини ўргатишда махсус жисмоний сифатларни ривожлантириш натижасида ўқув-машғулоти жараёнини такомиллаштиришга хизмат қилган;

ихтисослаштирилган болалар-ўсмирлар олимпия ўринбосарлари спорт мактабида бошланғич тайёргарлик босиқичида шуғулланувчи ўсмир энгил атлетикачиларнинг ўқув-машғулоти жараёнига такомиллаштирилган методика жорий этилган (Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитасининг 01-07-0889-сон маълумотномаси). Натижада 10-12 ёшли энгил атлетикачиларнинг тезкор-куч сифатларини 17-19%га, тезлик сифатини 12-13% га, координацион қобилиятларини 23-25%га ўсишига эришилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 2 та халқаро ва 4 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 27 та илмий-услубий ишлар, жумладан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларида 4 та мақола (3 та республика ва 1 та хорижий илмий журналларда) чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация иши кириш, тўртта бобдан иборат. 121 саҳифа матн, 10 та расм, 19 та жадвал, хулоса,

амалий тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан ташкил топган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, диссертациянинг мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи ва муаммонинг ўрганилганлик даражаси баён этилган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, шунингдек, объекти ва предмети аниқланган, ишнинг фан ва технологияларни ривожлантиришнинг муҳим йўналишларига мослиги кўрсатилган ҳамда тадқиқотнинг илмий янгилиги, натижаларнинг ишончлилиги, назарий ва амалий аҳамияти, натижаларнинг амалиётга жорий этилиши, эълон қилинганлиги, ишнинг тузилиши ва ҳажми борасидаги маълумотлар киритилган.

Диссертациянинг **“Болалар ва ўсмирлар спорт мактабининг бошланғич тайёргарлик гуруҳидаги шуғулланувчилар машғулотларида ғовлар оша югуриш машқи элементларини қўллаш”** деб номланган биринчи бобида бошланғич тайёргарлик гуруҳида ғовлар оша югуриш машқи элементларининг қўлланилиши, 10-12 ёшли енгил атлетикачиларга ғовлар оша югуриш техникаси элементларининг ўргатиш юзасидан маълумотлар ёритиб берилган.

Ёш спортчиларнинг жисмоний ривожланишини фаоллаштирувчи ҳамда жисмоний сифатларни ривожлантирувчи воситаларни танлаш ва амалиётга татбиқ этиш юзасидан кўпгина илмий изланишлар олиб борилганлигининг гувоҳи бўлдик.

Мутахассисларнинг (Н.А.Берштейн, 1991; В.В.Захаров, 2003; В.Б.Зеличенко, В.Г.Никитушкин, В.П.Губа, 2000) фикр-мулоҳазаларига кўра, 8 ёшдан 12 ёшгача бўлган даврдаги болаларда ҳаракат қобилиятлари жадал ривожланади. Бироқ мураккаб ҳаракатларни бажаришга бўлган қобилиятлар 9-10 ёшларда анча самаралироқ намоён бўлар экан. Муаллифларнинг фикрига кўра, шу босқичда болаларда зарур ҳаракат кўникмалари айниқса яхши ўзлаштирилиб, мустаҳкамланар экан. Шу ўринда муаллифлар ғовлар оша югуришга ўргатиш машқларини самарали восита сифатида ўз ишларида тавсия этишган. Аммо тавсия этилган ғовлар оша югуришга ўргатиш машқлари мазмунини такомиллаштириш ва олинган маълумотларни шуғулланувчиларнинг мақсадли таълим олишида ўқув-машғулотларига татбиқ этиш восита ва методикасини ишлаб чиқиш борасида етарлича тадқиқотлар ўтказилмаган.

Ғовлар оша югуришнинг асосий техникаси элементларини ўргатишда машқларни бўлакларга бўлиб ва яхлитлигича ўргатиш слубларидан дастлабки машғулотлардаёқ фойдаланиш мумкин. Ғовлар оша югуришга ўргатиш услубиятига таъриф бераётиб, болалар аввал ғовдан ошиб ўтиш техникасини ўзлаштиришлари, шундан кейингина биринчи ғовгача масофада югуриш ва ғовлар орасидаги югуришга ўтишлари кераклиги тавсия этилади. Лекин ғовлар оша югуриш учун хос бўлган талабларнинг кўп сонли деталларига - масофа бўйлаб кадамлар узунлиги, ҳаракатланаётганда гавданинг биров эгилиши, ғовга

“хужум” қилишдаги оёқлар ҳаракати ҳолати ва ғовдан ерга тушиш ҳаракатларига эътибор қаратилмайди. Шуғулланувчиларнинг диққат-эътибори бу ҳаракат амалларининг тўғри бажарилишига қаратилади.


Шуғулланувчилар томонидан махсус машқлар ўзлаштирилиб кейингина ғовлар оша югуриш машқларига ўргатиш зарур, бу машқлар енгиллаштирилган шароитда, пасайтирилган баландликдаги ғовлар билан, ғовлар орасидаги масофа қисқартирилган ҳамда югуриш тезлиги унча юқори бўлмаган ҳолатда бажарилиши лозимлиги маълум бўлди.

Бошланғич тайёргарлик босқичида ўқув-машғулотларида ғовлар оша югуриш машқини қўллаш турли ёшдаги шуғулланувчиларнинг жисмоний ривожланиши учун энг самарали восита ҳисобланади. Машғулотларда бошланғич тайёргарлик босқичида ёш енгил атлетикачиларнинг ғовлар оша югуриш техникаси элементларига ўргатишда қўлланиладиган восита ва услубларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

Диссертациянинг “Тадқиқот услублари ва унинг ташкил этилиши” деб номланган иккинчи бобида илмий-услубий адабиётлар таҳлили, педагогик кузатув, анкета сўровномаси, педагогик тестлаш, антропометрия, плантография, психологик тестлаш, инструментал услуб, эксперт баҳолаш услуби, педагогик тажриба ва математик статистика услублари ҳамда тадқиқотнинг ташкил қилиниши юзасидан маълумотлар баён этилган.

Инструментал усул

Бошланғич тайёргарлик босқичида шуғулланувчи 10-12 ёшли енгил атлетикачиларга асосий ва махсус машқларни ҳамда ғовлар оша югуриш техникаси элементларини ўргатиш учун енгил конструкцияли йиғма ғов ишлаб чиқилди. Йиғма ғовнинг схематик кўриниши 1-расмда келтирилган.



а) ташқи кўриниши

б) йиғилган ҳолатдаги кўриниши

1-расм. Йиғма ғовнинг схематик кўриниши

А. Ғов тепа қисмидаги ясси резинали лента; В. Планкани бириктирувчи устун; С. Ғовга қуч тушганда амортизатор вазифасини бажарувчи пўлат пружина; D. Силжийдиган устун; Е. Қопқоқ; F. Силжийдиган устунни маҳкамлаш учун қисқич ва планкани керакли баландликка келтириши мосламаси; G. Таянч устун; H. Фитинг; I. Икки устунни бириктирувчи тусин; J. Фитинг; K. Таянч стержен.

Тадқиқот жараёнида қўлланилган енгил конструкцияли йиғма ғов бошқа стандарт ғовдан фарқли улароқ, унинг планкаси қайишқоқ резинадан ташкил топган бўлиб, ғовнинг силжийдиган устунни букиш учун мўлжалланган, пўлат пружинали амортизатор давом эттиради. Ғов планкаси оёқ кучи таъсирида (1200-1300 г) улар билан устунлар ҳам 45° га эгилади ва сўнгра ғов йиқилмасдан дастлабки ҳолатига қайтади.

Енгил конструкцияли йиғма ғов асосий қисмининг фитинглар билан бириктирилганлиги уни 1,5-2 дақиқа ичида йиғиш ва йиғиштириш имконини беради. Унинг оғирлиги - 3,340±0,3 кг. Бу ёш енгил атлетикачиларга ғовдан ўта олишларига катта ишонч ҳосил қилиш, машғулотларда ғовлар оша югуриш машқларини бажаришда оладиган шикастланишларни камайтиришга ёрдам беради, асосий ва махсус машқларни ҳамда ғовлар оша югуриш техникаси элементларини ўрганиш жараёнини тезлаштиради.

Диссертациянинг **“Ғовлар оша югуриш техникаси элементларига ўргатишда восита ва услубларнинг асосланиши”** деб номланган учинчи бобида бошланғич тайёргарлик гуруҳида шуғулланувчилар машғулотларида ғовлар оша югуриш машқларини асослаш, йиллик машғулотларда ғовлар оша югуриш техникаси элементларига ўргатиш ва махсус жисмоний тайёргарлик машқларини режалаштириш, ғовлар оша югуриш техникаси элементларини қўллаб машғулотларни ўтказиш мазмун ва моҳияти ёритиб берилган.

Ғовлар оша югуриш машқларидан фойдаланиш орқали машғулотларни ўтказиш шуғулланувчиларнинг жисмоний тарбиясини изчиллик билан амалга ошириш имконини беради. Бу борада бошланғич тайёргарлик гуруҳи учун ишлаб чиқилган ўқув дастури доирасида ўқув материали ва машғулот соатларининг тақсимланишини 1-жадвалда келтирилган.

Тажриба гуруҳи машғулотларининг тайёргарлик кўриш босқичида бериладиган жисмоний машқлар шуғулланувчиларнинг умумий жисмоний тайёргарликларини ривожлантиришга йўналтирилди. Бу машқларнинг хусусияти ғовлар оша югуриш масофалари қулай ҳолда бўлишига қаратилди. Бу машқлар ғовлар оша югуришга йўналтирилган махсус тайёргарлик машқлари, сакрашлар ва махсус югуриш машқлари, ғов ёки гимнастика девори олдида бажариладиган машқлар, ҳаракатли ўйинлар ҳамда тўлдирма тўплар билан олиб борилди.

Машғулотнинг асосий қисмидаги машқлар ғовлар оша югуриш техникаси элементларини ўргатишга қаратилди. Бунда аввал ўрганилган машқларни такрорлаш ва янги машқ элементларини бажариш назарда тутилади. Асосий эътиборни тезлик, тезкор-куч сифатларини оширишга қаратилди. Барча тажриба машғулотлари ўйин ёки мусобақа кўринишида олиб борилди. Тажриба машғулотларини ўйин ёки мусобақалар тарзида ўтказишдан мақсад фақат шуғулланувчиларнинг танланган спорт турларига қизиқишларини оширишдангина иборат бўлмай, ўргатишнинг самарадорлик даражасини ошириш, жисмоний сифатларни тарбиялаш ва ривожлантиришдан иборат бўлди.

Машғулотларнинг якуний қисмида болаларда жисмоний машқларни

бажариш натижасида юзага келадиган юрак уриши сонининг ортиб кетишини меъёрга келтиришга қаратилган жисмоний машқлар бажарилди. Бунинг учун майда қадам ташлаб охиста югуриш, танани бўшаштиришга, диққат-эътиборни жамлашга, қадди-қоматни яхшилашга йўналтирилган жисмоний машқлар бажарилди.

1-жадвал

Бошланғич тайёргарлик гуруҳлари учун ўқув соатларининг тақсимланиши

Т/р	Мазмуни	Ойлар												Соатлар
		IX	X	XI	XII	I	II	III	IV	V	VI	VII	VIII	
	Назарий билимлар	1	1	1	1	1	1	1	1	-	-	-	-	8
	Амалий машғулотлар													
1	Умумий жисмоний тайёргарлик	10	10	10	10	8	8	8	8	8	6	7	7	100
2	Махсус жисмоний тайёргарлик	4/6	4/6	4/6	4/6	4/6	4/6	4/6	4/6	4/6	4/6	6/8	4/7	50/75
3	Енгил атлетика турларини ўрганиш ва такомиллаштириш	10/8	12/10	12/10	12/10	12/10	11/9	12/10	13/11	13/11	13/11	15/13	15/12	150/125
4	Йилдан йилга ўтказиш меъёрларининг бажарилиши	2	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	2	4
	Жами соат:	27	27	27	27	25	24	25	26	25	23	28	28	312

Тажриба гуруҳи машғулотларида ғовлар оша югуриш элементлари билан машқларни бажаришнинг поток усулидан фойдаландик.

Ғовлар оша югуриш машғулотларини ўтказишда қуйидаги умумий қоидаларга риоя этиш талаб қилинади:

машғулотни олиб боришда унинг доим бир хил бўлмаслигига эътиборни қаратиб, турли-туман усул ва воситалардан фойдаланиш;

ҳар доим машғулот жараёнида шуғулланувчилар фаолиятини маъқуллаш, рағбатлантириш, кўрсатма бериш, огоҳлантириш ва дакки бериш каби усулларни қўшиб олиб бориш;

шуғулланувчиларнинг ғовлар оша югуришда йўл қўйган хатоларини фақатгина уларнинг ўзига айтиш, бошқаларга ошкор қилмаган ҳолда камчиликларни кўрсатиб бериш;

ҳамма шуғулланувчини ва уларнинг ҳар бирини алоҳида ўргатиш тамойилига риоя қилиш;

шуғулланувчиларда ғовлар оша югуриш машқларини мустақил ҳолда бажаришга интилиш кўникмаларини ҳосил қилиш, бу билан уларни жисмоний машқларни мунтазам равишда мустақил бажаришга тайёрлашга кўниктириш лозим.

Ғовлар оша югуриш техникаси элементларини ўзлаштиришга доир маълумотлар 2-жадвалда келтирилган.

2-жадвал

Ғовлар оша югуриш техникаси элементларини ўзлаштириш машқларининг мақсадли йўналтирилганлиги

Машқларни мақсадли йўналтириш	Асосий воситалар	Методик кўрсатмалар	Машғулотдаги ўрни
Таянч-ҳаракат аъзоларини ғовлар оша югуришга тайёрлаш	Ғовлар оша югурувчиларнинг машқлари мажмуи	5-6 хил машқларнинг ҳар бирини 10 мартадан такрорлаш	Машғулотнинг тайёргарлик ёки асосий қисмида
Ғовлар оша югуришда ҳаракат амаллари асосларини вужудга келтириш	Ғовлар оша югурувчининг махсус машқлари мажмуи	Битта ғов олдида машқлар бажариш	Машғулотнинг асосий ёки яқунловчи қисмида
Қадамлаб юришнинг ҳар бир қадамида ғовлар оша югуришга ўргатиш	6-8 ғов қўйилган масофани босиб ўтиш	Ғовлар ҳар 1 м масофага қўйилади	Машғулотнинг тайёргарлик ёки асосий қисмида
Машқларни бўлакларга бўлиб ўргатиш	2×15 метр масофага моқисимон югуриш	Югуриб ўтиладиган масофанинг ҳар 11 метрига биттадан ғов қўйилади	Машғулотнинг асосий қисмида

Бошланғич тайёргарлик гуруҳи учун ғовлар оша югуриш машғулотлари воситаларининг мазмун ва моҳияти. Ғовлар оша югуриш машғулотларида 10-12 ёшли болаларга мўлжалланган махсус машқларни шартли равишда 3 гуруҳга ажратдик:

ғовлардан ошиб ўтиш техникасини ўргатишга йўналтирилган машқлар;
ғовлар орасида югуриш машқлари;

ғовлар орасидаги масофани босиб ўтишда шуғулланувчиларга қулай оралик ва баландликдаги ғовлардан ошиб ўтиш машқлари.

Ғовлар оша югуриш техникаси элементларини оқилона ўргатиш учун ғовдан ошиб ўтиш машқлари комплексдан фойдаландик. Шу нарсани аниқладикки, 10-12 ёшли енгил атлетикачилар ғовлар оша югуриш техникаси

элементларини ўрганиб, уни эгаллашларида ғовлардан ошиб ўтишнинг алоҳида элементларини эмас, балки блокли тарзда осонроқ ўзлаштирдилар. Ҳар бир шундай блок муайян координация элементидан иборат бўлиб, унинг ёрдамида мана шу блок талаблари бўйича ҳаракатлар бажарилади. Шуғулланувчилар кўп йиллик тайёргарликнинг дастлабки босқичида катта ҳажмдаги умумжисмоний тайёргарликни эгаллайдилар. Бунинг учун кўплаб спорт турларининг хилма-хил умумривожлантирувчи машқларидан фойдаландик.

Педагогик кузатишларимиз натижасида шу нарса аниқландики, 30, 35, 40 см баландликдаги ғовлар 10-12 ёшли болалар учун етарли бўлмади. Шуғулланувчилар ғовлар устидан ҳеч тўхталмай, бемалол югуриб ўтдилар. Бунда уларнинг ҳаракатларида тўхталишлар содир бўлмади. Ғовларни ошиб ўтишдаги махсус ҳаракатларни бажармадилар, ғовлар оша ҳаракатлар ғовдан ўтишда оёқнинг депсиниши рўй бермади, яъни оддий югуриш қадами тарзида намоён бўлди холос.

Ғовлар 65-70 см баландликка ўрнатилганда ғовлар орасидаги югуриш маромида кескин фарқлар сезилди. Ғовдан ошиб ўтиш учун энди болалар кўпроқ вақтларини сарфладилар, ғовлардан ошиб ўтишда бир талай қийинчиликлар юзага келди.

Ғовлар баландлигининг 50-60 см қилиб белгиланиши ғовлар оша югуриш техникаси элементларини ўзлаштириш учун оптимал ўлчам ҳисобланиб, шуғулланувчилар учун қулай вазият ҳосил қилди. Дастлабки хулосаларга асосланиб, ғовларнинг шу 50-60 см баландлиги ғовлар оша югуриш машқларини 10-12 ёшли шуғулланувчиларда оммавий равишда ўргатиш учун қулай баландлик бўлади, деб ҳисобладик.

Шу боисдан 10-12 ёшли болаларга машғулотларда паст бўйли (50 см.) ғовдан, ора-орада эса баланд (60 см.) ғовдан фойдаланиб машғулот ўтишни лозим деб топдик. Бизнинг фикримизча, бу баландликдаги ғовлар ғовлар оша югурувчиларнинг кучи ва югуриш тезлигини аниқ назорат қилиш имконини берди. Руҳий жиҳатдан эса шуғулланувчилар бу баландликда ўрнатилган ғовлардан ўтишда кўникма ҳосил бўлиб, оддий ғовлар оша югуриш деб қарай бошладилар.

Ғовлардан ошиб ўтиш техникасини ўзлаштириш учун гавданинг алоҳида мушаклари гуруҳига мўлжалланган машқлар сифатида қуйидаги ҳаракат машқларидан фойдаландик:

- а) силтанувчи оёқни ғовдан ошириб ўтказиш;
- б) депсинувчи оёқни ғовдан ошириб ўтказиш;
- в) ғов қадами билан ғовни тўлалигича ишғол қилиш.

Бу машқлар ғовларни 1, 2, 3 югуриш қадами ёрдамида ишғол қилинган ҳолда ғов устидан ўтиш ва ғов ёнида турган ҳолда ҳаракатланиб бажарилади.

Ғовлар орасидаги югуриш мароми учун машқлар. Бу машқлар ғовлардан ошиб ўтишдаги ҳаракат ритми (мароми)ни мақсадга мувофиқ йўналтириш ва ғовдан ошиб ўтиш техникасини самарали ўзлаштиришга мўлжалланган. Ғовлар баландлиги, улар орасидаги масофа стандартдан кам бўлса, модел деб ҳисобланади. Ўнғай ғовларни модел асосида жойлаштириш

болаларнинг шахсий имкониятларини бемалол намоиш этишга шароит яратди. 10-12 ёшли бошланғич тайёргарлик гуруҳлари учун ғовлар оша югуришнинг 50 метрлик масофада қўлланиладиган ғовлар сони ва улар орасидаги масофалар 3-жадвалда келтирилган.

Бир жойда турган ғов билан бажариладиган махсус машқлар ёрдамида ғовлар оша югуришга ўргатишнинг бўлакларга бўлиб ўргатиш усулидан фойдаланилади. Ғовлар оша югуриш техникасининг бирмунча мураккаблиги туфайли ғовдан ошиб ўтишнинг элементларига алоҳида-алоҳида ўргатиш яхши натижа берди.

3-жадвал


Ғовлар оша югуришнинг 50 метрлик масофада қўлланиладиган ғовлар сони ва улар орасидаги масофа

Ёши	Масофа (м)	Ғовлар баландлиги (см)	Ғовлар сони (дона)	Ғовлар оралиғидаги масофа (см)	Ерга тушиш (см)	1-қадам узунлиги (см)	2-қадам узунлиги (см)	3-қадам узунлиги (см)	Ғов олдидан дебсиниш (см)
Ўғил болалар									
10	50	52	4	620	85	110	150	135	140
11	50	55	4	680	96	118	160	148	158
12	50	60	4	750	105	130	170	162	183
Қиз болалар									
10	50	50	4	600	80	105	147	133	135
11	50	53	4	650	90	112	154	142	152
12	50	57	4	710	98	126	165	154	167

50 метрлик масофадан ғовдан ошиб ўтишнинг алоҳида техникаси элементларига ўргатиш болаларда бу машқларни секинлаштирилган ҳолда бажариш орқали машқни ҳар бир элементини ўзлаштиришга, мустақкамлаб боришга ёрдам берди.


Тадқиқот ишимизнинг вазифаларидан яна бири болалар-ўсмирлар спорт мактабларининг бошланғич тайёргарлик гуруҳида шуғулланувчи 10-12 ёшли енгил атлетикачиларнинг ғовлар оша югуриш машқлари техникаси элементларини бажариш кўникмаларини баҳолашдан иборат эди. Унга кўра, бошланғич тайёргарлик гуруҳида шуғулланувчиларни ғовлар оша югуриш техникаси элементларига ўргатишда ғовга “хужум” қилиш, ғовдан ошиб ўтиш, ғовдан ошиб ўтиб ерга қўниш каби техника элементларининг тўғри бажарганлигига қараб, 100 баллик рейтинг тизимида баҳолаш амалга оширилди [2, 3, 4-расмларга қаранг].

балл




2-расм. Ғовга “хужум” қилиш техникаси элементини бажариш кўрсаткичлари

балл



3-расм. Ғовдан ошиб ўтиш техникаси элементини бажариш кўрсаткичлари

балл



4-расм. Ғовдан ошиб ўтиб ерга қўниш техникаси элементини бажариш кўрсаткичлари

10-12 ёшли бошланғич тайёргарлик гуруҳида шуғулланувчиларни ғовлар оша югуриш техникаси элементларига ўргатишда ғовга “ҳужум” қилиш, ғовдан ошиб ўтиш, ғовдан ошиб ўтиб ерга қўнишга ўргатишда имитацион, махсус машқлардан фойдаланиш бошланғич тайёргарлик гуруҳларидан бошлаб техника элементларини ўргатишга қаратилган восита ва усулларга ўзгартиришлар киритиш талабини юзага келтиради.

10-12 ёшли шуғулланувчиларни кўп йиллик тайёргарлик босқичларига тайёрлашда муҳим аҳамиятга эга эканлиги ўтказилган тажрибаларда ўз исботини топди ва уларнинг жисмоний тайёргарлигида ҳам камчиликлар борлиги билан тушунтирилади.

Диссертациянинг **“10-12 ёшдаги енгил атлетикачилар машғулотларида ғовлар оша югуриш техникаси элементларига ўргатиш услубларини қўллаш самарадорлиги ва олинган натижалар динамикаси”** деб номланган тўртинчи бобида 10-12 ёшли шуғулланувчиларнинг жисмоний тайёргарлиги ва ривожланиши, техник тайёргарлиги ҳамда уларнинг жисмоний ҳолати, фаоллиги ва кайфияти кўрсаткичларини баҳолаш натижалари муҳокама қилинган.

Тажриба ва назорат гуруҳларидаги 10 ёшли ўғил болаларнинг жисмоний тайёргарлик даражаси ўрганилганда саккизта назорат тестларининг еттитасида ишончли фарқлар кузатилди [$p < 0,05$] [4-жадвалга қаранг].

Шуни айтиш керакки, тажриба гуруҳидаги 11-12 ёшли ўғил болаларнинг назорат машқлари кўрсаткичлари назорат гуруҳига нисбатан анча юқори бўлди. Тажрибанинг охирида тажриба ва назорат гуруҳи ўртасидаги ишончилилик даражаси [$p < 0,05$] кўрсатди.


10-12 ёшли тажриба ва назорат гуруҳлари синалувчи ўғил болаларининг тажриба бошланиши ва тажриба охирида жисмоний тайёргарлиги динамикаси [n=238]

Т/р	Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	10 ёш				11 ёш				12 ёш				
			НГ	ТГ	t	p	НГ	ТГ	t	p	НГ	ТГ	t	p	
			$\bar{x} \pm \sigma$	$\bar{x} \pm \sigma$			$\bar{x} \pm \sigma$	$\bar{x} \pm \sigma$		$\bar{x} \pm \sigma$	$\bar{x} \pm \sigma$				
1	Юқори стартдан 30 м югуриш	с	$6,9 \pm 0,2$ $6,7 \pm 0,4$	$6,9 \pm 0,4$ $6,4 \pm 0,2$	0,45 1,13	>0,05 >0,05	$6,7 \pm 0,2$ $6,4 \pm 0,2$	$6,4 \pm 0,4$ $5,6 \pm 0,1$	0,02 1,95	>0,05 <0,05	$6,4 \pm 0,6$ $6,2 \pm 0,2$	$5,6 \pm 0,3$ $4,9 \pm 0,1$	0,31 2,25	>0,05 <0,05	
2	3×10 м моқисмон югуриш	с	$9,0 \pm 0,4$ $8,8 \pm 0,1$	$9,0 \pm 0,3$ $8,7 \pm 0,2$	0,48 0,83	>0,05 >0,05	$8,8 \pm 0,3$ $8,5 \pm 0,1$	$8,7 \pm 0,3$ $8,0 \pm 0,1$	1,29 2,25	>0,05 <0,05	$8,5 \pm 0,2$ $8,3 \pm 0,2$	$8,0 \pm 0,3$ $7,2 \pm 0,1$	0,71 2,58	>0,05 <0,05	
3	Тўлдирма тўпни улоқтириш (1 кг)	м	$5,2 \pm 0,3$ $5,9 \pm 0,2$	$5,2 \pm 0,3$ $6,3 \pm 0,2$	1,94 3,05	>0,05 <0,05	$5,9 \pm 0,4$ $6,8 \pm 0,3$	$6,3 \pm 0,7$ $7,9 \pm 0,1$	1,80 2,28	>0,05 <0,05	$6,8 \pm 0,8$ $7,8 \pm 0,2$	$7,9 \pm 0,7$ $9,5 \pm 0,2$	1,21 2,22	>0,05 <0,05	
4	Турган жойдан узунликка сакраш	см	$157,2 \pm 2,2$ $168,4 \pm 7,6$	$157,3 \pm 5,0$ $169,3 \pm 2,0$	1,41 2,23	>0,05 <0,05	$168,4 \pm 7,8$ $180,2 \pm 0,6$	$169,3 \pm 6,1$ $182,5 \pm 0,2$	1,50 2,23	>0,05 <0,05	$180,2 \pm 9,4$ $192,1 \pm 0,8$	$182,5 \pm 6,0$ $196,9 \pm 0,7$	1,50 2,38	>0,05 <0,05	
5	Ўтирган ҳолатда олдинга эгилиш	см	$9,7 \pm 0,2$ $11,1 \pm 1,0$	$9,7 \pm 0,9$ $12,3 \pm 0,6$	1,38 2,40	>0,05 <0,05	$11,1 \pm 1,1$ $12,9 \pm 0,2$	$12,3 \pm 0,8$ $14,8 \pm 0,2$	1,62 3,04	>0,05 <0,05	$12,9 \pm 0,9$ $14,9 \pm 0,3$	$14,8 \pm 0,8$ $17,7 \pm 0,3$	2,12 3,41	<0,05 <0,05	
6	Баланд турникда тортилиш	марга	$3,5 \pm 0,6$ $4,4 \pm 0,5$	$3,5 \pm 0,8$ $5,2 \pm 0,6$	1,15 1,70	<0,05 <0,05	$4,4 \pm 0,8$ $5,4 \pm 0,2$	$5,2 \pm 0,7$ $6,9 \pm 0,2$	1,21 2,36	>0,05 <0,05	$5,4 \pm 0,9$ $6,5 \pm 0,2$	$6,9 \pm 0,8$ $8,7 \pm 0,2$	1,19 2,19	>0,05 <0,05	
7	Тушаётган чизгични ушлаб олиш	см	$20,9 \pm 2,2$ $19,8 \pm 0,4$	$20,9 \pm 0,9$ $18,8 \pm 0,8$	0,49 1,75	>0,05 <0,05	$19,8 \pm 0,5$ $18,6 \pm 0,3$	$18,8 \pm 0,9$ $16,7 \pm 0,3$	2,06 2,30	<0,05 <0,05	$18,6 \pm 0,5$ $17,3 \pm 0,4$	$16,7 \pm 0,7$ $14,0 \pm 0,5$	2,03 3,13	>0,05 <0,05	
8	6 дақиқали югуриш	м	$855,5 \pm 10,3$ $900,2 \pm 9,0$	$855,6 \pm 12,9$ $910,2 \pm 8,0$	3,28 3,61	<0,05 >0,05	$900,8 \pm 8,5$ $1117,2 \pm 9,6$	$910,2 \pm 8,2$ $1192,7 \pm 8,3$	29,7 24,3	<0,001 <0,001	$1117,3 \pm 9,2$ $1340,5 \pm 8,2$	$1192,8 \pm 11,1$ $1484,3 \pm 7,2$	18,1 22,0	<0,001 <0,001	


Изоҳ 1.: Суратда тажрибадан олдинги натижалар, махражда тажрибадан кейинги натижалар. НГ -назорат гуруҳи, ТГ -тажриба гуруҳи.

Даствлабки тадқиқотлар шуни кўрсатдики, бошланғич тайёргарлик гуруҳида машғулотларнинг даствлабки ўргатиш жараёнида ҳар тарафлама жисмоний тайёргарлик базасини яратиш зарур. Болаларга ғовлар оша югуриш техникаси элементларини ўргатиб, уларни шу спорт турига йўналтириш мақсадида тайёрлаш мумкин.

Назорат ва тажриба гуруҳлари ўғил ва қиз болаларининг 2×15 м масофага ғовлар оша югуриш вақти кўрсаткичи динамикаси 5-6 расмларда келтирилган.



5-расм. 10-12 ёшли ўғил болаларнинг 2×15 м ғовлар оша югуриш вақти кўрсаткичи динамикаси



6-расм. 10-12 ёшли қиз болаларнинг 2×15 м ғовлар оша югуриш вақти кўрсаткичи динамикаси


